Volume 2, Issue 2,2024

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Атаисматов Иқболжон Зумратжоновичи
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Фарғона вилояти ҳудудий филиали раҳбари

Аннатация: Мақола эркин иқтисодий зоналар фаолиятини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари акс этирилган. Шунингдек саноатни рақамлаштириш, эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятида рақамлаштиришнинг аҳамияти жорий ҳолати статистик таҳлили келтирилган.
Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш,эркин саноат зоналар, кичик саноат зоналар, ахборот сайтлари,ишлаб чиқариш, рақамли бошқарув.

Аннотация: В статье отражены результаты исследований по совершенствованию использования цифровых технологий в управлении свободными экономическими зонами. Также представлен статистический анализ современного состояния цифровизации промышленности и значения цифровизации в работе свободных экономических зон.
Ключевые слова: Цифровая экономика, цифровизация, свободные индустриальные зоны, малые индустриальные зоны, информационные платформы, производство, цифровой менеджмент.

Abstract: The article reflects the results of research on improving the use of digital technologies in the management of free economic zones. Also, a statistical analysis of the current state of digitization of industry, the importance of digitization in the operation of free economic zones is provided.
Keywords: Digital economy, digitization, free industrial zones, small industrial zones, information sites, production, digital management.

Кириш

Бугунги кунда жаҳонда юзбераётга иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар шароити эркин иқтисодий зонларни ҳар томонлама ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ута мураккаб бир жараёнга кириб бормокда. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш бизнинг мамлакатда ижтимоий ҳолатни ҳамда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш учун энг керакли восита булиб хизмат қилади. Бунда эсам эркин итқисодий зоналарни бошқаришни такомиллаштириш ва замон билан ҳам нафас ислоҳотларни амалга ошириш муҳум хисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий капитал оқимини таъминлашда эркин иқтисодий зоналар муҳим аҳамият касб этмокда. Бу мамлакатда фантехника тараққиётини жадаллаштириш, валюта тушумини таъминлаш, миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, унинг сифати ва ҳажмини ошириш, аҳоли фаровонлиги ва бошқа ижобий натижаларга эришиш учун рағбатлантириш омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шу билан бирга эркин иқтисодий зоналар рақамлаштириш жараёнлари ишлаб чиқариш ва эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантиришга таъсирлари етарлича таҳлил қилинмаяпти. Иқтисодиётни рақамлаштириш бутун дунёда янги рақали иқтисодиёни намоён қилмокда, ҳар қандан бизнес эса рақобат шароитида янда тезроқ бозорга мослашиш талаб қилади. Компаниялар янада ривожланиши учун борча босқичларни рақамлаштириш ривожланишнинг муҳум двигателига айланмокда.

Асосий қисм

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субеъкларига қўлайлик яратиш мақсадида куп вақт талаб қилувчи турли рухсатнома, лицензияларни олишни тезлаштириш мақсадида замонавий технологияларни қуллаган ҳолда масофавий хизматлар сонини ошиб бормоқда, иқтисодиётини янада замонга мос ривожлантириш мақсадида жуда куп норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда ҳам амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ санасидаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янаги Ўзбекистон таррақиёт стратегияси тўғрисидаги” ПФ-60-сон қарорида доирасида иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, инвестицияларни жалб этиш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янаги Ўзбекистон таррақиёт стратегиясининг 7 бандида айнан иқтисодий ислоҳотларни замонга ҳамнафас рақамли технологияларни купроқ жорий қилиш аълоҳида этибори берилган. Жумладан, Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида: кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш каби масалалар устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу ҳаракатлар стратегиясида яна бир алоҳида эътибор берилган соҳа бу «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари ишлаб чиқилиши ҳамда яшил иқтисодиётга босқичма-босқич ўтишни белгилаб берилган.

Ушбу ҳаракатлар стратегиясида 25-мақсадида қўйидагилар алоҳида билдириб ўтилган “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

Иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш. Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш” бўйича аниқ йўналишли топшириқлар белгилаб берилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли қарорида “рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш” вазифларининг қўйилиши ҳам жуда муҳимдир. Белгилаб берилган топшириқ ижроси айнан ЭИЗлар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, сўнги илмий-техник ишланмаларни маҳаллий ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишсизликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш, экспортни кенгайтириш, валюта тушумини кўпайтириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш имкониятларини яратади.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича юқоридаги мавзуларда етарли даражада ўргандик. Жумладан, қонун, фармон ва қарорлар мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарнинг мақоми, ташкил этиш тартиби, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатини, ушбу зоналарда божхона, валюта, солиқ тартиботлари ва бошқа муҳим қоидаларни белгилаб берди, ҳамда

мамалакатиимизда ЭИЗларни ҳуқуқий-қонунчилик асосида бошқариш ва тартибга солиш учун етрали даражада норматив ҳужжатлар яратилганлигига гувох булдик.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга қаратилган 22 та эркин иқтисодий зона мавжуд. Улардан 12 таси соноат, 7 таси фармацевтика, 2 таси қишлоқ хўжалигига ва 1 таси туризм сохасига йўналтирилган.

Бугунги кунда ЭИЗларни янада ривожлантиришда алоҳида ўрин тутадиган рақамли технологияларни жорий қилиш орқали тадбиркорлар ва инвесторларга қўлайликлар яратиш лозимлиги заруратга айланиб ўлгурди. ЭИЗларни бошқаришда рақамли технологияларни жорий қилиш инвестициялар жалб қилишда муҳум ўрин тутади.

Яна бир муҳум жиҳат бу рақамли иқтисодиётнинг интернет тизимининг ривожланганлиги бугунги кунда веб-сайтлардан самарали фойдаланиш, веб-сайтлар орқали тарғибот-ташвиқот ишларини фаол тарзда олиб борилиши орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларга қўшимча қулайликлар яратиш имконини беради ҳамда эркин иқтисодий зоналарга купроқ инвесторлар жалб қилиш имкониятини яратиб беради.

Мамлакатимизда хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг интернет тармоғида расмий ягона портали (www.sez.gov.uz) фолият олиб бормоқда. Амммо ушбу расмий веб портал янада ривожлантириш ва тўлдиришга лозимлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, мавжуд эркин иқтисодий зоналарни жорий ҳолати туғрисидаги маълумотлар фақат рус ва инглиз тиларида мавжуд давлат тиладаги саҳифасидаги маълумотлар ҳам рус тилида берилмоқда.

Ягона порталда эркин иқтисодий зоналарга инвестиция киритишни хоҳлаган инвесторларни мурожатлари билан ишлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган масалан, инвестор масофадан туриб эркин иқтисодий зонага жойлашиш учун ариза қолдира олиш имкониятини яратиш лозим.

Ягона порталда эркин иқтисодий зоналаларга жойлашиш масаласида аниқ маълумотлар киритилмаган киритилган маълумотлар эскириш натижасида инвесторлар амалиётда умуман бошқа масалаларга дуч келмоқда, шунга сабабдан ягона портални доимий янгилаб бориш лозим.

Ягона порталда берилган мурожатлар билан ишлаши лозим булган ишонч номерларига боғланиш амалда имконсиз, бунинг натижасида маҳалий ва хорижий инвесторларда ишонч суниши табиий ҳолдур ҳамда инвестиция киритиш имкониятини камайтиради.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарнинг расмий веб сайтлари яратилганлиги ва веб-сайтларга жойлаштирилган маълумотларни очиқлигини таъминлашда ҳам бирқанча муаммолар мавжуд. Жумладан, мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган 22 та ЭИЗ лардан атиги 6 тасида ўзининг расмий веб сайти мавжуд қолган 16 та ЭИЗ расмий веб сайти мавжуд эмас.

Бундан ташқари, ЭИЗларнинг веб-сайтларида (мисол тариқасида www.feznavoi.uz “Навоий” ЭИЗ веб-сайти) ўз бизнес фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган хорижий инвесторларга ЭИЗлар тўғрисида статистик ва иқтисодий маълумотлар очиқлиги мавжуд эмас. (ЭИЗларда амалга оширилган лойиҳалар сони ҳамда номи, ЭИЗларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, киритилган хорижий инвестициялар ҳажми, бўш турган ерлар ва объектларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фото ва видео материаллари ва бошқалар). Хорижий компания ва фирмаларнинг республикамиз ЭИЗ ҳудудларида ўз бизнесини юритиш учун Ўзбекистонда яратилган қулай шароитларни кенг ёритиш ва бўлажак инвесторларни, биринчи навбатда, хорижда ушбу шароитлар билан таништириш ишлари суст амалга оширилаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 август санасидаги “ Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун

вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кўчайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175 сонли қарорида аълоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, таҳлил ва натижалар муҳокамасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ЭИЗларни веб-сайтлар орқали ёритиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича ечимини топиш керак бўлган масалалар борлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, республикамизда эркин иқтисодий зоналарни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳам бошқаришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини ягона умумлаштирилган бир ҳужжат - кодексга келтириш лозим. Махсус иқтисодий зоналар бўйича ягона норматив ҳужжати орқали хорижий ва маҳалай тадбиркорларга эркин иқтисодий зоналар қонунчилик асослари билан тез ва осон танишиш ҳам керакли маълумотларни олган ҳолда қарорлар қабул қилишга ўз ҳисасини қўшган бўлар эди;

Иккинчидан ЭИЗларда қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида маълум муддадгача ўзгармас солиқ, божхона ва бошқа имтиёзларини қонунчилик асосида кафолатланган ҳолда тақдим этиш зарурати мавжуд;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида (www.sez.gov.uz) эркин иқтисодий зоналар кесимида берилган маълумотларни давлат тилидаги версияини ишлаб чиқиш, ҳамда эркин иқтисодий зоналар веб-сайтларида (www.feznavoi.uz “Навоий” ЭИЗ веб-сайти) ЭИЗлар тўғрисида статистик ва иқтисодий маълумотлар очиқлиги таъминланиши керак;

Туртинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида (www.sez.gov.uz) берилган ишонч рақамлари доимий ишлаш режимини жорий қилиш ва ишонч рақамларга жавоб берилиши ҳам натижадорлигини назорат олиш.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг ягона порталида (www.sez.gov.uz) мурожатлар билан ишлаш тизими бўйича алоҳида саҳифа ташкилаш ҳамда инвесторлар таклифини соҳалар кесимида, инвеситиция миқдори, амалга ошириш мудати, яратиладиган ишчи ўрни куринишида қабул қилиш имконини берадиган форма яратиш лозим;

Бешинчидан, хорижий инвесторларни жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида эркин иқтисодий зоналарни тарғибот-ташвиқот қилишни доимий равишда ташкил этиш, шунингдек чет мамлакатлардаги конференциялар, форумлар ва халқаро учрашувлар ўтказиш ва эркин иқтисодий зоналарни интернет сайтлари орқали кенг тарғиб қилиниши керак;

Мамлакатда иқтисодий усишни тезлаштирадиган яна бир муҳум омил бу рақамлаштириш ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали тадбиркорлик субеъкларига қўлайлик яратиш, куп вақт талаб қилувчи турли рухсатнома, лицензияларни олишни тезлаштириш мақсадида замонавий технологияларни қуллаган ҳолда масофавий хизматлар сонини ошиб бормокда, иқтисодиётини янада замонга мос ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳум элементлардан бири ҳисобланади.

Яна бир муҳум жиҳат бу рақамли иқтисодиётнинг интернет тизимининг ривожланганлиги бугунги кунда веб-сайтлардан самарали фойдаланиш, веб-сайтлар орқали тарғибот-

ташвиқот ишларини фаол тарзда олиб борилиши орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларга қўшимча қулайликлар яратиш имконини беради ҳамда эркин иқтисодий зоналарга купроқ инвесторлар жалб қилиш имкониятини яратиб беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарининг интернет тармоғида расмий ягона портали (www.sez.gov.uz) фолият олиб бормоқда. Амммо ушбу расмий веб портал янада ривожлантириш ва тўлдиришга лозимлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, мавжуд эркин иқтисодий зоналарни жорий ҳолати туғрисидаги маълумотлар фақат рус ва инглиз тиларида мавжуд давлат тиладаги саҳифасидаги маълумотлар ҳам рус тилида берилмоқда.

Ягона порталда эркин иқтисодий зоналарга инвестиция киритишни хоҳлаган инвесторларни мурожатлари билан ишлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган масалан, инвестор масофадан туриб эркин иқтисодий зонага жойлашиш учун ариза қолдира олиш имкониятини яратиш лозим.

Ягона порталда эркин иқтисодий зоналаларга жойлашиш масаласида аниқ маълумотлар киритилмаган киритилган маълумотлар эскириш натижасида инвесторлар амалиётда умуман бошқа масалаларга дуч келмоқда, шунга сабабдан ягона портални доимий янгилаб бориш лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, таҳлил ва натижалар муҳокамасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ЭИЗларни веб-сайтлар орқали ёритиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича ечимини топиш керак бўлган масалалар борлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси– Т.: “Ўзбекистон”, 2014 й.
1.2. 1996 йилнинг 25 апрелда мамлакат парламенти Ўзбекистон Республикасининг "Еркин иқтисодий зоналар тўғрисида" қонуни
1.3. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонуни 24.12.1998 й. Н 719-И
1.4. Ўзбекистон Республикаси Чет ел инвестициялари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Н609-И
1.5. Ўзбекистон Республикаси Чет еллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Н611-И

II. Интернет сайтлари

www.sez.gov.uz
http://www.uza.uz
http://www.lex.uz
www.navoi-fiez.uza
www.nfiez.com
www.agmk.uz/idex.php
www.navoiy.uz/hokimiyat/101-n